ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ НАВРЎЗ АЙЁМИДАГИ ТАБРИК СЎЗИ

Азиз ватандошлар!

Дўстлар, меҳмонлар!

Аввало, юртимизга энг кўҳна, энг гўзал ва табаррук айём — муборак Наврўз кириб келгани билан муборакбод этаман.

Ҳар бир халқ, ҳар бир миллатга баҳо беришдан аввал унинг урф-одатларига, байрамларига баҳо берилади.

Ота-боболаримиз азалдан вужуд-вужудларига сингиб кетган бу илоҳий байрамни интизорлик билан, зўр шоду хуррамлик билан қарши олганлар. Бу қадимий ва муқаддас заминимизда неча-неча минг марта муборак Наврўз тонглари отган.

Янги фасл — янги йилнинг муқаддимаси бўлмиш бу шарофатли кунда она табиат уйғонади. Еру кўкда яшариш ва янгиланиш бошланади.

Наврўз асрлар давомида биз учун эзгулик, ҳурлик, озодлик тимсоли, инсон юрагида олижаноб ва ёруғ орзу-умидлар куртак очадиган фасл бўлиб келган.

Яқин тарихимизда — бизларнинг нафақат қўл-оёғимизни, балки онгимизни, шууримизни, миллий ғуруримизни кишанбанд қилган мустабид даврда юртимизнинг азалий Наврўз байрамига қанчадан-қанча маломат ва ҳақорат тошлари отилди.

Шунга қарамасдан бу улуғ айём халқимиз қалбининг тўрида яшади. Ҳеч қандай ёвуз куч ҳам уни юрагимиздан юлиб ололмади.

Бунинг учун иродаси тоғдай бақувват, иймони пок, диёнати бутун халқимизга ҳар қанча тасаннолар айтсак, ҳар қанча таъзим қилсак арзийди.

Чунки Наврўз халқимизнинг асл миллий байрамидир. У биз кимларнинг авлоди эканимизни, қандай улуғ ва бой мерос ворислари эканимизни, қандай беқиёс салоҳият соҳиблари эканимизни жумлаи жаҳонга яққол намоён қиладиган маънавий бир кўзгудир.

Бугун Наврўзи олам маънавиятимизнинг ажралмас қисми сифатида ҳаётимиздан мустаҳкам ўрин олди.

Мустақиллик даврида кечирган беш йиллик ҳаётимизга назар ташласак, бу даврнинг Наврўз байрами маъносига, моҳиятига нақадар ҳамоҳанг, уйғун ва муштарак эканини кўрамиз.

Зеро, Наврўз табиат оламининг уйғониши ва яшаришини англатса, Ўзбекистон истиқлоли халқимизнинг, юртимизнинг ижтимоий, сиёсий, маънавий жиҳатдан уйғониб, камолот касб этиб бораётганини англатади.

Халқимизнинг не-не мураккаб синовлардан матонат билан ўтиб, янги давлат, янги жамият барпо этиш борасида етиб келган марраларини, тарихимиз, улуғ аллома аждодларимизнинг мўътабар номларини, муқаддас қадриятларимиз, шаъну шавкатимизни тиклаганимизни яна бир бор англатади ва таъкидлайди.

Юртимизга ёруғ кунлар кириб келаётганидан дарак беради.

Азиз дўстлар!

Наврўз ўз моҳияти билан хурсандчилик байрами. Гина-кудуратлар, хафагарчилик ва ўзаро аразлар унутиладиган байрам. Наврўз кўнгиллардаги ғуборни ювади, ғам-ғуссани кеткизади, янги умидлар бахш этади.

Бу байрамнинг яна бир улуғ фазилати шундаки, у барча яхши ниятли кишиларни ўзаро яқинлаштиради, бирлаштиради, ҳамкору ҳамнафас қилади.

Яхшиликни, дўстликни ҳамма нарсадан устун қўядиган диёнатли, иймонли халқимиз барча яқин ва узоқ қўшни бирадарларига бағрини кенг очади. Ўзбекистонни ўз юртим, ўз Ватаним деб яшаётган ҳар бир инсон билан, уларнинг миллати ва эътиқодидан қатъи назар, дўстона, аҳил бўлиб яшайди. Ўзбекистон деган бу саховатли ва бетакрор замин ҳаммага баробар ризқ-рўз сочади.

Шунинг учун ҳам бугун мамлакатимизда ҳукм сураётган тинчлик ва тотувлик, энг асл фазилатлар соҳиби бўлмиш халқимиз олижаноблигининг яна бир тасдиғи, яратганимизнинг инъоми деб айтсак, ҳеч қандай муболаға бўлмайди.

Азиз дўстлар!

Бирадарлар!

Бугун халқимизнинг азалий удумига амал қилиб, ушбу гўзал айёмнинг ҳақиқий эгалари бўлмиш заҳматкаш деҳқонларимизга алоҳида ҳурматим ва муҳаббатимни изҳор этиб айтмоқчиман.

Янги мавсумингиз ҳам баракали бўлсин, хайрли бўлсин!

Меҳнатингиз унумли бўлсин!

Ерга қадаган уруғларингиз бехато униб чиқсин!

Азиз юртдошларим!

Бугун Наврўзи олам қутлуғ куни бутун Ўзбекистон аҳлига — нуроний оталаримизга, дуогўй оналаримизга, мунис аёлларимизга, ўғил-қизларимизга мен чин қалбимдан тилакларимни айтмоқчиман.

Илоё, бугунги наврўзий кайфиятингиз йил бўйи давом этсин!

Ҳар бир кунингиз Наврўз бўлсин!

Юртимиздан барака аримасин!

Ҳар бир оила буюк Амир Темур бобомизнинг қўрғони каби мустаҳкам бўлсин!

Ҳар бир хонадоннинг дастурхони тўкин-сочин бўлсин!

Ҳар бир инсоннинг бахту саодати зиёда бўлсин!

Наврўзингиз муборак, азиз ватандошларим!

Бугунги қутлуғ Наврўз тонгида менинг Оллоҳдан яна бир тилагим бор: кириб келаётган янги йилда Ўзбекистон заминида, ҳар қайси оила, ҳар қайси хонадонда тўю томошалар, қувончли кунлар кўпроқ бўлсин. Мен ҳам шу кунларда хизматингизда бўлай, шундай хурсандчилик кунларни халқим билан бирга баҳам кўрай!

Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси газетаси

1996 йил 22 март, жума № 36 (21.957).

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

АССАЛОМ, ЯНГИ ЙИЛ МУҚАДДИМАСИ!

Ҳар лаҳзаси, ҳар соати йилларга, ойларга татийдиган КУН келди. Қуёш ҳам янада ёрқинроқ порлаётгандай. Еру-замин уйғоняпти. Дунё мудроқ кўзларини очаётгандай гўё. Одамлар... Дарвоқе, одамларнинг ҳам файзли фаслга, нурли кунларга қараб юраклари уйғоняпти, десак лоф бўлмас. Бу кун бутун ШАРҚда минг-минг йиллик тарихни елкасига ортган муборак НАВРЎЗИ ОЛАМдир. Унинг бор таъриф-тавсифини айтмоққа бисотимиздаги сўзлар етармикан?

Тўғри, байрамларнинг катта-кичиги, яхши-ёмони бўлмайди. Лекин ЙИЛ БОШИ-НАВРЎЗ-ЯНГИ КУННинг алоҳида ўрни бор. Айниқса, Ўзбекистонда бу кун ниҳоятда ардоқли ва бетакрор тантана сифатида нишонланишида улуғ ҳикмат бор.

Келинг, яхшиси озод мамлакатимиз харитасига бир нигоҳ ташлайлик. Қаранг, қаерда, қайси гўшада НАВРЎЗ қандай кутиб олиняпти? Албатта, ЯНГИ КУННинг биринчи қадами Тошкентдан бошланади-да!



.... Соат роппа-роса ўн бир. Марказий минбардан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов, республика Олий Мажлиси Раиси Эркин Халилов, Бош вазир Ўткир Султонов, Бош вазирнинг биринчи ўринбосари, Наврўз умумхалқ байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш республика ташкилий қўмитаси раиси Исмоил Жўрабеков, Президентнинг Давлат маслаҳатчилари, Бош вазир ўринбосарлари, Олий Мажлис Раисининг ўринбосарлари, Тошкент шаҳар ҳокими Козим Тўлаганов, бошқа расмий кишилар жой оладилар. Мамлакат Президенти Ислом Каримов Ўзбекистон халқини гўзал баҳор айёми — НАВРЎЗИ ОЛАМ билан муборакбод этиб, табрик нутқи сўзлади.

Майдон узра байрам садоси янграйди. Карнай-сурнайларнинг дилларни қитиқловчи овози атрофни тутди. Наврўз тантаналари бошланиб кетди.

Наврўзи олам нафақат табиат баҳоридан, балки, руҳият ибтидоси ва аслиятдан ҳам дарак берувчи миллатнинг ўзига хос байрамидир. Бугун Алишер Навоий номидаги Миллий боққа ташриф буюрган ҳар бир ватандошимиз бунинг яққол гувоҳи бўлади.

Халқ оғзаки ижоди санъатимизнинг энг қадимий ва ўлмас турларидандир. Шундан бўлса керак, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар вакиллари саҳнада бирин-кетин ўз санъатларини намойиш этишганда томошабинлар уларни зўр қизиқиш билан олқишлашди.

Майдонни дўмбиранинг соҳир садоларига уйғун бир тарзда бахшининг қўшиғи тутиб кетди. Бу гўёки вужудимиздаги Алпомиш руҳининг зарраси туғёнидир. Қашқадарё ва Сурхондарёдан келган гуруҳ ва дасталарнинг чиқишлари ҳам ҳар бир кишининг кўнглида чексиз сурур бахш этди.

— Вилоятлардан келган ташкилотчиларга катта раҳмат, — дейди биз билан суҳбатда Республика халқ ижодиётини таргиб қилиш маркази раҳбари Деҳқонбой Ҳусанов. — Улкан саҳнада мамлакатнинг таниқли санъаткорлари билан бир қаторда олис қишлоқлардан келган бадиий ҳаваскорлар мароқли чиқиш қилмоқдалар. Бугунги Наврўзи айёмда улар халқимизнинг энг қадимги қўшиғу лапарларини чанқовизу дўмбиралар оҳанги билан ижро этиб байрам иштирокчиларини хушнуд этишяпти.

Шу пайт қовоқ кўтарган бир гуруҳ қизлар пайдо бўлишди. Бу қовоқлар ўзидан мусиқа таратар экан. Бунақа мусиқа асбоби маълум маросимлардагина чалинган. Бу удум қурғоқчиликнинг олдини олиш учун ўтказиладиган ёмғир чақириш маросимидир.

Мустақиллик шарофати ила ўтказилаётган байрам тантаналари давом этади. Саҳнада янги-янги гуруҳ ва дасталар ўз санъатларини намойиш қилади.

1996 йил — Амир Темур йили. Соҳибқироннинг 660 йиллик айёми яқинлашаётгани ҳам Наврўз тантаналарига ўзгача файз бахш этмоқда. Барчанинг кўз ўнгида Амир Темур сиймоси пайдо бўлади. Гўё у асрлардан кечиб ўтиб бугунги авлодни шодиёна айём билан қутлаётгандай. «Аразлар унутилсин, тантаналар бошлансин» — Темурнинг бу амридан сўнг карнай-сурнай садолари атрофни тутди.

Аския — фақат бизнинг халққа мансуб санъат бўлиб, унинг луғавий маъноси «зукколик» демакдир. Шу боис ҳам сумалак пайровига бағишланган аския барчанинг лабига табассум, чеҳрасига чирой бахш этди. Бу томошалар тўғридан-тўғри ойнаи жаҳонда кўрсатилаётганини назарда тутсак, бир вақтнинг ўзида бутун Ўзбекистон узра қаҳ-қаҳа янгради, дейиш мумкин. Ана шу кайфият халқимиз руҳига қанчалик ярашиб турибди. Бу дамлар ҳар бир эзгу ниятли ватандошимиз қалбида шукроналик туйғусини уйғотади.

...Байрам кунида бировни тўхтатиб, бирон савол билан мурожаат қилишнинг ўзи сал ғалатидай туюлиши мумкин. Лекин хизматчилик-да, қутлуғ лаҳзаларнинг эл-улус, қолаверса, юртдошларимиз кўнглидаги, назаридаги аксини кўргимиз келди.

Салом-алик, самимий табрикдан сўнг танишамиз:

— Мен Китоб туманидан келдим. «Асал» жамоа-ширкат хўжалигининг раиси Ғаффор Раҳимовман, — дейди юз-кўзларидан нур ёғилиб турган суҳбатдошимиз. — Худо деган халқмиз-да. Бошқаларга ўхшаб ер-сув, давлатдунё талашиб юрмаймиз. Аввало ўзимизнинг тупроғимизни кўзимизга суртиб яшаймиз. Шунданми, ер ҳам, табиат ҳам бизларга саҳийлик қилаётир. Энг муҳими, бу дунёнинг азиз неъмати ҳисобланмиш ТИНЧЛИК ва ОСОЙИШТАЛИК Ўзбекистон қаддини кўтаряпти. Ана шундай кунлар боқий бўлсин!

Ўш шаҳрининг Курмонжон додҳо кўчасида яшайдиган Муяссархон Жамолованинг сўзлари дилимизга янада равшанлик олиб киради:

— Бу кун Қирғизистондаям энг табаррук айём сифатида кутиб олиняпти. Тошкентдаги байрамона манзараларни кўриб алоҳида фахр ва ғурур туйдик. Ҳамма бир-бирини қутлаган, бири ўзбекча, бири ўрисча, яна бошқаси инглиз тилида.. Э, нимасини айтасизлар, қутлуғ кунда кўнгиллар бирлашади, деганлари балки шудир!

Кўзойнакли, кўринишидан меҳмонга ўхшаб кетадиган йигитни гурунгга чорлаймиз. У салом-аликни соф ўзбек тилида айтиб, сўнг ярим ўзбек, ярим ўрисчада шошилмай сўзлайди: «Исмим Михаил, фамилиям — Головонов. Спортсменман. Наврўз мен учун-н э-э-нг большой байрам. — Ҳаммани табриклайман» дея у қўлларини осмонга силкийди. Савдо расталарини айланамиз. Ғаройиб усулларда тайёрланган турли ноз-неъматларни кўриб кўзлар қувонади. Сотувчиларга бир нималарни куймаланиб тушунтираётган аёл хижолатомуз сўз бошлайди:

— Нима қилай, кўз-қулоқ бўлиб, айтиб турмасак, булар ҳали ёш. Бу ёғи катта байрам. Бизларнинг бир оғиз ширин сўзимиз ҳам элдошларимизга мадад бўлади. Қувончга тўлган дилларни янада яйратади, — дейди Тошкент шаҳар Яккасарой туманидаги ҳиссадорлик жамиятига қарашли 21-дўкон мудираси Сайёрахон Султонова.

Таҳририятда эса... Ҳар кунгидай иш қизғин. Лекин бошқача кайфият ва руҳ ҳукмрон. Байрам сони саҳифаланяпти. Телефон узун-узун жиринглайди: «Ассалому алайкум! Наврўз муборак бўлсин! Жиззахдан безовта қилаяпман. Мен Фориш тумани ҳокими Бўстонқул Сайидқуловман. Агар имкони бўлса, севимли газетамиз орқали бутун мамлакатимиз халқига форишликларнинг Янги йил табригини етказиб қўйсангизлар...»

Соғинтирган Қуёш ҳам бугун ҳароратини аямади, унинг заррин нурлари нафақат борлиқни, барчамизнинг қалбимизни ёритди. Ўлкамиз бўйлаб таралган тантаналарни ана шу офтоб нурларига қиёс этиш мумкин. Тошкенту Фарғона, Андижону Сурхондарё, Жиззаху Навоий, Намангану Хоразм, Бухорою Қашқадарё, Самарқанду Сирдарё, қондош Қорақалпоқ элларида бу байрам ажиб бир тароват билан бошланди. Маҳалла гузарларида, меҳнат жамоаларида, ҳар бир хонадонда Наврўз нашидаси кезиб юрибди. Эзгулик, фаровонлик, рўшнолик, бахтиёрлик уруғини эллараро сочувчи бу айём юртимиз тупроғидан мангу жой олсин!

Байрам эса энди бошланяпти. Энди Ўзбекистон тупроғида олтинлар «гуллайдиган» кунлар келди. Илоё, ҳар кунимиз, ҳар лаҳзамиз НАВРЎЗ бўлсин!

Ассалом, янги йил муқаддимаси!

Шуҳрат ЖАББОРОВ,
Норқобил ЖАЛИЛ,
Абдумалик ҲАЙДАРОВ,
«Ўзбекистон овози»нинг махсус мухбирлари.

СУРАТЛАРДА: тантаналардан лавҳалар.

Р. ЖУМАНИЁЗОВ, Р. НУРИДДИНОВ ва А. ТЎРАЕВ (ЎзА) олган суратлар.

Дийдор

ИЛОҲИЙ КУН ИНОЯТИ

Хотирада қоладиган қутлуғ кунлар кўп. Байрамларнинг ҳаммаси яхши, уларнинг ўз ўрни бор. Зеро, бундай кунларда қонқариндошлар, қадрдонлар дийдорлашади, таниш-нотанишлар ҳам бир-бирларини қутлайдилар.

Байрамлар ичида шундай бир муқаддас кун борки, бу кунда еру кўкда кечаётган жамики тантаналар ЮРАКларга ҳам кўчади. Кўнгилларда байрам бўлади. Наврўз табиат ва руҳ, инсон ва замин уйғунлашган илоҳий кундирки, уни Яратганнинг одамзотга қилган ҳиммати ва иноятн деб тушунмоқ жоиз.

Дарёнинг бошида пок инсонлар тургани яхши-да! Куни кеча Республика Уруш ва меҳнат фахрийлари ташкилотлари уюшмаси кенгаши, Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши ва Мирзо Улуғбек тумани ҳокимлиги вакиллари ҳамкорликда уруш кўрган табаррук отахонларни ва меҳрга илҳақ бўлиб қолган нуроний онахонларнинг кўнглини олиш ниятида Тошкент шаҳри Мирзо Улуғбек туманидаги маҳаллаларга ташриф буюришди.

Москвадан Берлингача бўлган жангларда ҳарбий врач ва жангчи сифатида қатнашган 86 ёшли Ёқубжон ота Маҳмудов, уруш туфайли бир оёғидан ажралган Ольга Ивановна Чепурнялар хонадонига киргани-мизда мамлакатимиз фахрийлари оқсоқоли Бектош ака Раҳимов уларга гул ва байрам совғаларини тақдим этаркан, оғир хотиралар гирдобига тушдими, ўз-ўзидан маъюс бўлиб қолди. Уруш кўрган одамларнинг учрашуви ҳар қандай кўнгилни титратиб юборяркан.

Одамзод ҳаётдан кўп нарсани кучини, соғлиғини, мол-мулкини, яқин одамларини йўқотиши мумкин. Лекин ҳар қандай йўқотиш, ҳар қандай оғир шароит уни яхши ниятқилиш имкониятидан маҳрум қилолмас экан. Биз бу ҳақиқатга 107 ёшли табаррук онахон Фотима хола Раҳимова, уруш ортида фидокорона меҳнат қилиб, қирқ йиллик умрини болалар тарбиясига бағишлаган Мазҳархон ота Солиҳов ва у кишининг рафиқалари: «Бизга бирни берсангиз, худо сизларга мингни берсин» дея қўлларини дуога очганларида яна бир марта имон келтирдик.

Ёлғиз одамлар учун энг олий мукофот узоқ-яқиндаги кишиларнинг беғараз ташрифи ва табассумидир. Антонина Васильевна Чекунова айни пайтда бир ўзи яшайди. Вакилларнинг қутлови кекса онахоннинг кўнглига бир қатим нур, кичкина уйига бир дунё ҳарорат олиб кирган бўлса ажабмас.

Раҳматли Расул Ғуломовнинг оиласини йўқлаб чиққанларидан сўнг вакиллар туман фахрийлари ҳамроҳлигида Мирзо Улуғбек ҳайкали пойига эҳтиром билан гул қўйдилар.

Туман марказидаги «Бахт уйи»да бўлган тантанада Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгашининг биринчи котиби Абдулҳафиз Жалолов, Республика Уруш ва меҳнат фахрийлари ташкилотлари уюшмаси кенгашининг раиси Бектош Раҳимов, Мирзо Улуғбек тумани ҳокими Шавкат Мирзиёевлар тўкин дастурхон атрофидаги иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва фронт орқасида меҳнат қилган фидойи инсонларни Наврўз айёми билан қутлаб, уларга байрам совғаларини топширдилар.

Республикада хизмат кўрсатган артист Нуриддин Ҳайдаров ва Тошкент трактор заводи қошидаги «Катюша» дасталари ўзларининг қувноқ куй-қўшиқларини азиз меҳмонларга ҳавола этдилар.

Ҳаёт кўрган — уруш кўрган отахонлар даврага чиқиб ўйнаганларида бу қутлуғ даргоҳ яна ҳам кўркамлашиб кетгандай бўлди.

Умида ФАЙЗИЕВА,
Замира ЭГАМБЕРДИЕВА,
«Ўзбекистон овози»нинг махсус мухбирлари.

СУРАТЛАРДА: тантаналардан лавҳалар.

Владимир МОЛГАЧЁВ олган суратлар.

Мулкдор билан мулоқот

«ОДИЛ» — ЖОНКУЯРЛИК МАҲСУЛИ

Гулистон шаҳридаги «Одил» хусусий фирмаси раҳбари Раҳматилла ЖАББОРОВ билан суҳбат

— Иқтисодий қийинчиликлар даврида сизга хусусий фирмани оёққа турғазиб олиш осон кечмагандир?

— Дастлаб ҳамма нарса анчагина осон туюлган эди. Чунки амалда эмас, хаёлдаги ислоҳотчилар эканмиз. Хаёл бошқа — ҳаёт бошқа, деганларидек, юракдаги эзгу орзуларни рўёбга чиқариш, хусусий кичик корхонамизни оёққа турғазиш сиз айтгандек осон кечгани йўқ.

— Сизни кўпроқ қайси муаммолар ташвишга солди?

— Гапни бир оз узоқдан бошласам. Биз оиламиз билан маиший хизмат соҳаси одамларимиз, десам муболаға бўлмас. Менинг асл мутахассислигим инженер-технолог, меҳнат фаолиятимнинг асосий қисми шу соҳада кечган. Умр йўлдошим — чевар тикувчи, қизим — модельер. Ўғлим ҳам шу соҳа жонкуярларидан.

Хусусийлаштириш бошланиб, тадбиркорлик, ишбилармонликка республикамизда кенг йўл очилганидан сўнг, оиламиз билан кенгашиб, одамларга хизмат қилайлик, деган ният билан хайрли ишга қўл урдик. Яъни шаҳримиздаги маиший хизмат кўрсатиш бирлашмасига қарашли 2-тикувчилик цехини хусусийлаштириб олдик. Бу мақсад учун биз ўз имкониятларимиз билан иш қуришга, давлатдан қарз олмасликка аҳд қилдик. Енгил машинамизни сотдик, қариндош-уруғлардан мадад олдик. Хуллас, давлатга боқиманда бўлишдан ўзимизни тийдик.

Цехимизда 18 та тикув машинаси бўлиб, уларда шунча тикувчи ишлар эди. Биз ана шу иш ўринларини тўла сақлаб қолдик ва чеварларимизни иш билан таъминлаш, иложи бўлса, ўринларни кўпайтириш чораларини кўра бошладик. Шунингдек, маиший хизматнинг одамлар учун зарур бўлган янги турларини ҳам очиш лозим эди. Кўп ўтмай этикдўзлик, сартарошхона устахоналари очилди. Йил охирига қадар цехимиз қошида хусусий енгил машиналарни таъмирлаш цехини ташкил этишга муваффақ бўлдик. Кейинчалик эса тўй-томошаларга идиш-товоқ, стол-стулларни ижарага бериш бўлимини очдик. Шундай қилиб, бир йилга етар-етмас давр мобайнида хусусий кичик корхонадаги ишловчилар сони 37 кишига етди, аҳолига кўрсатиладиган маиший хизмат турларини эса деярли 18-20 тага етказишга эришдик.

Энди муаммоларга келайлик. Хусусий корхонамизнинг асосини тикувчилик цехи ташкил этади. Биз тўлиқ мустақил корхона сифатида иш бошлаганимиздан сўнг энг аввало хом аше тақчиллигини чуқур ҳис этдик. Иккинчидан эса мижоз топиш муаммоси ўртага чиқди. Бу ҳар икки муаммо албатта бир-бири билан боғлиқ эди.

— Хўш, бу муаммолар қандай ҳал этилди?

— Бизга республика «Бизнес-фонд»ининг вилоят бўлими, хусусан унинг раҳбари Боборахим Мирзаев яқиндан ёрдам қилди. Натижада 400 минг сўм қарз олдик ва йил охирига қадар, яъни келишилган муддатдан илгари бу қарзни қайтаришга муваффақ бўлдик. Ва ана шу давр мобайнида баъзи иқтисодий муаммоларимизни ҳал этиб, ишларимизни йўлга қўйиб олдик.

Мижоз топиш муаммосига келсак, буюртмачиларни уз иш жойларимизда қабул қилиш билан бирга, уларни излаб топишни ҳам йўлга қўйдик. Бу ҳам яхши самара бермоқда.

Сунгги йилларда хусусан миллий кийимлар, келин-куёв либослари, қариялар учун яхтаклар тикиш борасида яхши тажрибалар орттирилди. Хуллас, натижа шу бўлдики, утган — 1995 йилни биринчи бор маиший хизмат корхонамиз буйича соф фойда билан якунладик.

— Энди режалар ҳақида тўхталиб ўтсангиз.

— Маиший хизмат соҳаси бир қарашда жўн ва осон ишдек кўриниши мумкин. Лекин бу чиндан ҳам оғир соҳа. Агар эътибор қилган бўлсангиз, камдан-кам маиший хизмат корхоналари йилни фойда билан якунлаётир. Уларнинг кўплари эса тугаб бормоқда. Кейинги йилларда қишлоқлардагина эмас, ҳатто шаҳарларимизда ҳам бу соҳанинг баъзи турлари йўқолиб бораётганини кузатиш мумкин.

Ана шундай вазиятни кўриб, қаттиқ ачинамиз, албатта. Ваҳоланки, ривожланган ва тараққий этган мамлакатларда бу соҳага эътибор бутунлай бошқача. Биз пулли хизмат, маиший хизмат тармоқларига булган қарашларимизни тубдан узгартиришимиз керак. Ҳатто бинолар, ускуналар, машиналар, асбоблардан тортиб иш услубларимиз, қарашларимиз, одамларга бўлган муносабат — барча-барчасига янги замон кўзи билан қарайдиган бўлмагунимизча бу соҳани ўнглашимиз қийин.

Шуларни эътиборга олиб, фирмамиз катта ишларга қўл уришни режалаштирмоқда. Биз замонавий талабларга жавоб бера оладиган, одамларнинг оғирини енгил қиладиган, қолаверса, қишлоқ билан шаҳарни боғлайдиган маиший хизмат мажмуасини барпо этиш ташвишида юрибмиз. Бу борада биз энг аввало шаҳар ҳокимлиги ҳамда тадбиркорларнинг энг яқин ёрдамчиси ва мададкори бўлиб бораётган «Бизнес-фонд»дан ёрдам кутамиз.

Хуш, биз режалаштираётган мажмуа қандай тармоқларни уз ичига олади? Булар — унча катта бўлмаган, лекин замон андозаларига жавоб бера оладиган меҳмонхона, аҳолига транспорт хизмати, маиший хизмат соҳаларини, хусусан, кимёвий йўл билан кийим-кечаклар тозалаш, кир ювиш, сураткашлик ва бошқа йўқолиб бораётган соҳаларни тиклаш, супермаркет магазинлари, миллий таомлар ошхонаси, сауна, чойхона барпо этишдан иборат булиши керак. Икки қаватли маиший хизмат уйини шаҳримиз фахрига айлантиришни орзу қилаётирмиз.

Абдужалил УМАРОВ
суҳбатлашди.

БИР АЖОЙИБ ДАМ БЎЛДИ

Яккасарой туман ХДП кенгаши Амир Темур таваллудининг 660 йиллигига бағишлаб аввалига қатор маҳаллаларда қизиқарли учрашувлар ташкил этди, уларда Тошкент давлат педагогика институтининг бир гуруҳ олимлари соҳибқирон ҳаёти ва фаолияти ҳақида жозибали маърузалар қилишди. Одамларда Амир Темур шахсига қизиқиш янада ошди. «Биргалашиб «Соҳибқирон Темур» спектаклини томоша қилсакчи?!» — туман кенгаши биринчи котиби Абдумутал Абдуллаевнинг бу таклифи ҳаммага маъқул тушди. Ҳомийлар ҳам топилди. Шундай қилиб Яккасарой туманидаги маҳалла фаоллари, табаррук қариялар, партия жонкуярларидан 500 нафар киши Ҳамза театрига маданий сафар уюштиришди. Тарих факультети декани, тарих фанлари доктори Аброр Ҳазратқулов бошлиқ олимлар гуруҳи томоша бошланиши олдидан кириш сўз қилдилар. Берилган маълумотлар спектакль руҳига уйғунлашиб кетди. Республика «Маҳалла» хайрия жамғармаси раиси, Олий Мажлис депутати Шукур Темуров буюк бобомизнинг эл-юрт осойишталиги ҳақида айтган сўзларини гапириб, баҳраманд этди.

«Раҳмат, кўпдан буён бунақа маза қилмагандик», «Умрингиздан барака топинг, барчамизни бирлаштирган партия кенгаши омон бўлсин» — бу сўзларни томошадан бир олам завқ олган отахон ва онахонлар яккасаройлик партия фаолларига самимий изҳор қилдилар. Ана шундай дилкаш манзарани идоравий тилдаги «тадбир» сўзи билан атагинг келмайди.

Шундай дамлар бўлавергани яхши.

Ш. ЖЎРАЕВ.

Сиз нима дейсиз?

ҚИЙНАЛИШ МУКОФОТИ

ёки алдовнинг қандай пайдо бўлиши хусусида

Кейинги пайтда бозордан бир нарса харид қилишга безиллаб қолдик. Нега дейсизми? Бир куни хўжайиним бозордан қаймоқ олиб келди. Уни пиёлаларга солаётиб қарасам, юзи икки энликкина қаймоқ, таги шундай қатиқ. «Қошиқ солиб олсангиз бўлмайдими?» деб зорландим. Бу ҳам ўтди. Бошқа сафар бозорга кетишларидан олдин қайта-қайта тайинладим: «Гуручни эҳтиёт булиб олинг. Майдаси билан йиригини аралаштириб сотишаркан. Иложи бўлса, студент болалардан олинг!» Қарасам, яна ўша аҳвол. Студенти тушмагур, майдаси билан йиригини эмас, мутлақо икки хил гуручни аралаштириб ташлабди: бири сув кутармайди, иккинчиси кўп сув талаб қилади. Буни ҳам ўтказиб юбордик. Қайси куни картошка олиб келдилар. Совуқда билинмапти. Уйга обкелиб қарасак, бирдан ивиб кетди: музлаган экан.

Сизга кейинги бир ой ичида бозорда алданганларимизни санасам, ҳасратим тугамайди. Эҳтимол, бу алдовлар тасодифий эмасдир. Гап бошқа жойда. Мени ана шу алдовлар болаларнинг кўз ўнгида, баъзан улар иштирокида бўлаётгани қаттиқ ўйлантиради. Улар бу ҳолатни тасодиф деб эмас, табиий бир нарса деб қабул қиладилар-да!..

Аслида алдовни ҳамма билади, фақат, бизни бозорчилар туширгандек, моддий манфаатга бориб боғланса, оғригини ҳис қиламиз. Кўзга кўриниб, қўл билан тутиб бўлмайдиганларига бепарвомиз. Ҳаммаси ўша кўринмасларидан бошланади.

Бизга бу алдов энди жуда баҳайбатлашиб кетгандай, сира ўнглаш мумкин эмасдек туюлади. Ўзимизни унинг олдида ожиз сезамиз, қўл силтаб қўя қоламиз. Лекин ана шу алдовнинг уруғини қуритмагунча, кунимиз омонат ўтаверади. Биз ўзимизни ўнглаш учун, ҳеч бўлмаса, болаларимизни ўйлаб, ҳаракат қилишимиз керак. Боғчаларда номига ўтказиладиган машғулотлар, мактабларда хўжакўрсинга қилинган кўргазмали қуроллар, билим масканларида шунчаки олинадиган имтиҳонлар алдов эмас. Лекин буларга жон киргизиш керак, ортиқчасидан воз кечиш керак. Ана шунда нафақат болаларимиз ҳатто катталаримиз қаймоқнинг тагига қатиқ солмайдиган, музлаган картошкани бозорга олиб чиқмайдиган бўладилар.

Яна алдовга тегишли бир гап: ҳали-ҳануз «машъал», «юлдуз» қилиш расмдан қолгани йўқ: бу русумга унча изоҳ ҳам шарт эмас. Гап шундаки, ҳар бир вилоят, туман, шаҳарнинг машъал боғчалари, мактаблари бўлади. Биров келса, фақат ўшалар рўпара қилинади. Бирор жойга бориш керак бўлса, ўшалар боради. Ўша машъаллар «қолган ҳаммаси шунақа» деган тасаввур уйғотиш учун қилинади. Ҳолбуки, бу ҳол ҳақиқат эмаслигини кўпчилик билади. Ана шу русум ҳам алдовга умр, куч берувчидир.

Мен бу кичкина мақоламга алдовнинг бор эни-бўйини сиғдиролмайман. Аммо ваҳима ҳам қилаётганим ҳам бўрттираётганим ҳам йўқ. Унинг борлиги ва биз унга ўрганиб қолганимиз рост.

Алдовдан қандай халос бўламиз?

Махсус фармойиш керакмас-ку ахир!

Қаттиқ назоратми?

Менимча йўқ! Алдовни кўриб турамиз, унинг зарарини ҳис этамиз, фақат ундан воз кеча олмаймиз холос.

Озгина жонни қийнашимиз керак. Ростликда, чинликда, тўғриликда осон яшолмайди. Биз ана шу қийналишга ўрганишимиз керак. Бу қийналишнинг роҳати, мукофоти жуда катта бўлади. Битта хонадонда ҳалол, тўғри одамлар яшаса, ҳамма ҳавас қилади. Бугун бошли бир элда, Ватанда шундай одамлар яшаса, бугун жаҳон ҳавас қилса керак... Илоҳим, шундай кунлар келсин.

Қутлибека РАҲИМБОЕВА.

Наврўз гурунги.

Алмурод МАМАДАМИНОВ олган сурат.

Бугуннинг гапи

ДЕҲҚОН, БОЗОР ВА ШАРТНОМА

Бозор хизматини ташкил қилиб, деҳқонларга савдо қилишда қулай имконият яратиш борасида бир қатор қийинчиликлар ва тўсқинликлар борки, уларни тезликда бартараф этмай туриб бу соҳада туб ўзгаришларни амалга ошириб бўлмайди. Ана шундай муҳим масалалардан бири бозор инфраструктурасини ташкил этишдир. Бу бевосита транспорт хизматини йўлга қўйиш, юк ташиш, туширишсақлаш ва сотиш билан боғлиқ хизмат турларининг сифатини ошириш, бозорни ўрганиш, бозордаги нарх-наво ҳақида ахборот олиб туриш каби хизмат турларини ўрнига қўйиш ва шунга ўхшаш бозор ривожига кўмак берувчи бошқа хизмат турларини самарали ташкил этиш билан боғлиқ муносабатдир.

Бозорни ривожлантиришда, деҳқоннинг оғирини енгил қилишда лизинг, инжиниринг хизматларини ташкил этиш, ундан фойдаланиш ҳам кундан-кунга муҳим бўлиб бормоқда. Лизинг — бу қарз бериш, ижара муносабатлари билан боғлиқ бўлган янги хизмат туридан биридир. Лизинг хизматидан фойдаланишнинг қулайлиги шундаки, тадбиркорликни бошламоқчи бўлган шахс асбоб-ускуна ва ишлаб чиқариш техника воситаларини сотиб олмоқчи бўлиб маблағга муҳтож бўлганида лизинг компаниялари хизмати унга қўл келади. Чунки лизинг кредит муассасаларидан қарз олишга нисбатан ҳам арзон, ҳам қулайдир.

Унинг қулайлиги шундаки, тузилган битимга асосан лизинг берувчи тараф деҳқонга керакли асбоб-ускуна, техника воситалари ёки тадбиркорлигини юритишга керакли мол-мулкни ўзига сотиб олиб, кейин фойдаланиш учун унга бериш мажбуриятини олади. Деҳқон эса лизинг берувчига лизинг ҳақини тўлаб туриш бурчига эга бўлади. Лизинг компаниялари бу муносабатда воситачи ҳамда ижарага берувчи сифатида иштирок этади.

Лизинг берувчи лизинг объектини фойдаланувчига тузилган битим шартларига мувофиқ ҳолда ва келишилган муддатда топшириши лозим. Агар битимнинг шартлари бузилишида лизинг берувчи айбдор бўлса, фойдаланувчи етказиб берилган лизинг объектини қабул қилмаслиги, лизинг тўловларини тўхтатиб туришга ёки шартномани бекор қилишга ҳақли бўлади. Шу билан биргаликда фойдаланувчи ҳам шартномага мувофиқ лизинг тўловларини ўз вақтида тўлаб туришга, ўзига етказиб берилган мол-мулкдан қўйилган шартларга мувофиқ фойдаланиш, уни бекаму кўст сақлаш, ўз ҳисобидан кундалик таъмирлаш ишларини бажариш, шартномада бошқача ҳол белгиланмаган бўлса, сақлаш бўйича сарф бўладиган барча харажатларни ўз зиммасига олишга мажбур.

Фойдаланувчи ўз бурчини бажармаган тақдирда лизинг берувчи ўзига тегишли бўлган вақтивақти билан тўланадиган тўловларни фоизи билан бирга талаб қилиб олишга ва шартномани бекор қилишга ҳақли бўлади.

Лизинг республикамизда янги хизмат тури бўлиб, эндигина шаклланиб келмоқда. Аммо бу соҳа қонунчилигимизда тўлиқ ўз ўрнига эга эмас. Шу сабабли республикамизда бу муносабатни батафсил ҳуқуқий тартибга солиб турадиган қонун ишлаб чиқиш зарурати келиб чиқди. Бозорни баракали, деҳқонни манфаатдор қилишда қишлоқ хўжалик маҳсулотларини харид қилиш — контрактация шартномасини тўғри тузиш ва уни аниқ ижро этиш ҳам ниҳоятда муҳимдир. Шунинг учун деҳқонлар ўзлари етиштирган маҳсулотларни қаерга, кимга, қанча миқдорда топшириш ва ундан қанча фойда олинади, у харажатни қоплайдими? Ана шуларни аниқ ҳисоблаб, кейин шартномага имзо қўйиш лозим. Бундан ташқари, шартнома шартлари бузилганида ким жавобгар бўлишини ҳам билиши керак. Аммо контрактация шартномасини тузиш ва уни аниқ ижро этишга риоя этиляптими? Табиийки, йўқ ҳисобида.

Тўғри, деҳқонларимизнинг маҳсулот етиштиришда, парваришлашда, тайёрлашда билими, тажрибаси етарли. Аммо, очиғини айтганда, улар ўз пешона тери билан етиштирган маҳсулотини сотишда ўзига фойдали қилиб шартнома тузишни, тузилганлари бузилганида ҳуқуқини ҳимоя қилишни билмайдилар. Билганлари ҳам судга мурожаат қилмайдилар. Бундан эса иккинчи тараф усталик билан фойдаланиб, жавобгарликдан осонгина қутилиб кетади.

Деҳқонларнинг манфаатини ҳимоя қилиш усулларидан бири улар томонидан тузилган шартномаларни суғурта қилишдир. Суғурта ҳодисаси содир бўлганида деҳқоннинг кўрган зарари суғурта фондидан қопланади. Ана шундай шартномалардан бири фуқароларнинг ипак қурти ва унинг ҳосилини ихтиёрий суғурта қилишдир. Бу шартнома суғурта тўғрисидаги қонун билан биргаликда Молия вазирлиги томонидан 1993 йил 3 мартда тасдиқланган қоидалар билан ҳам батафсил тартибга солинади.

Бу шартнома бўйича ипак қурти ва унинг ҳосили зилзиладан, ёнғиндан, сув тошқинидан, селдан, касалликлардан, баргсизликдан, ҳосил тўлмаслигидан суғурта қилинади.

Суғурта шартномасининг муддати ипак қуртини боқишнинг биринчи кунидан то пилла ҳосилини топшириб бўлган кунга қадар белгиланади. Пилла ҳосилини топширгандан сўнг шартнома ўз кучини йўқотади. Суғурта ҳодисаси содир бўлганда фуқаро 24 соат давомида тегишли суғурта муассасасига оғзаки ёки ёзма равишда хабар қилиши шарт. Суғурта муассасаси шундан сўнг 48 соат давомида зарарни аниқлайди. Зарар миқдори қўйидагича тўланади. Ипак қурти табиий офатдан нобуд бўлса, шу табиий офат содир бўлган кунигача унинг парваришига сарф қилинган харажат қўшилиб қиймати 100 фоиз миқдорида тўланади. Агар ипак қурти ҳосили тўлмай қолганида олинган ҳосил билан режалаштирилиб, белгиланган ҳосилнинг фарқи аниқланиб, шу зарар қиймати 100 фоиз тўланади.

Бироқ ипак қурти ва унинг ҳосилини ихтиёрий суғурта қилиш ҳақидаги қоидаларни ипак қурти боқадиган фуқароларнинг ҳаммаси ҳам билади, деб бўлмайди. Агар улар шундай ҳуқуқий ҳужжатлар мавжудлигини ва ипак қурти парвариш қилаётганида етказилган зарарларни суғурта ташкилоти қоплаши мумкин эканлигини билганларида эди, бу қулайликлардан аллақачон фойдаланган бўлардилар. Ипак қурти тутувчилар ўз ҳуқуқларини билмаганликларидан уларнинг айримлари ҳатто ўтган йилдаги ҳосилнинг қийматини шу кунгача тўлиқ олмасдан юрмас эдилар.

Энди фуқароларнинг чорва молларини суғурта қилишни олиб кўрайлик. Ихтиёрий суғурта қилиш Молия вазирлиги томонидан 1994 йил 1 январда тасдиқланган «Фуқароларга қарашли ҳайвонларни ихтиёрий суғурта қилиш қоидалари» билан ҳам тартибга солинади. Суғурта шартномасига мувофиқ қўйлар, эчкиларнинг 1 ёшдан, чўчқаларнинг 6 ойдан, отлар ва туяларнинг 1 ёшдан ошганлари суғурта қилинади. Суғурта шу ҳайвонларнинг йўқолиши, бахтсиз ҳодисалар, табиий офатлар, касалланиш туфайли ўлишини назарда тутиб тузилади. Бундан ташқари, эпидемияга қарши тадбир ўтказиш натижасида ёки ҳайвонни касаллик сабабли мутахассиснинг кўрсатмаси билан мажбурий сўйиб юбориш ҳам ҳисобга олинади. Шартноманинг муддати бир йилга белгиланади. Суғурта суммаси томонларнинг келишуви билан бозор нархидан келиб чиқиб аниқланади. Суғурта қилинган мол ўлган, ўғирланган ёки йўқотилган бўлса суғурта суммаси шартномада белгиланган муддатда тўланади. Агар суғурта қилинган мол мажбурий тартибда сўйилган бўлса, зарар суғурта суммасининг 20 фоизи миқдорида қоплананади. Аммо чорвадорларимиз ана шундай суғурта қонун-қоидалари борлигини билишмайди, билганида ҳам ўз ҳуқуқларини тўлиқ ҳимоя қила олмай қийналишади.

Деҳқон етиштирган маҳсулотини бозорларда сотар экан харидорлар билан олиш-сотиш шартномасини тузган ҳисобланади. Бозор қанчалик тўкин-сочин бўлса, шунчалик арзонгарчилик бўлади. Аммо деҳқоннинг ўз маҳсулотини олиб келиши қанчалик қиммат-га тушса, бозорда нарх-наво ҳам шунга яраша қиммат бўлади. Бозордаги олибсотарлар арзон гаровга деҳқоннинг молини сотиб олиб, худди келишгандек бир хил, юқори нархда сотадилар. Савдолашиш ҳақида гап бўлиши ҳам мумкин эмас. Чунки, сотиб олган моли бугун ўтмаса эртага сотилади. Умуман сотилмай қолса ҳам шу молга ичи ачимайди. Бунинг сабаби аён. Шу маҳсулотни етиштиришга унинг ҳеч қандай меҳнати сингмаган. Қолаверса, аҳоли эҳтиёжи катталиги сабабли бозорда мол сотилмасдан қолиши ҳам гумон. Бундан ким зарар кўради деган савол туғилади? Албатта деҳқон... Эл-юрт фаровонлиги йўлида меҳнат қилаётган ишчи-хизматчи, харидор зарар кўради. Бу ҳолат давлатимиз бюджетига ҳам, пул тизимининг барқарорлигига ҳам таъсир этади. Аҳолида эса, нотўғри фикр туғилади. Ёшлар ўқимай, меҳнат қилмай мўмай пул топишга ўрганади. Шу сабабли чайқовчиликка қарши курашни кучайтиришимиз зарур.

Бобоқул ИБРАТОВ,
юридик фанлари доктори.

ҲАФТАЛИК КЎРСАТУВЛАР

ДУШАНБА, 25

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш дастури.
7.30 «Ҳафтанома».
8.00 — 8.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» (давоми).

*

8.30 «Дўстлар учрашганда». Мурод Ражабов.
9.30 «Мактабимиз — фахримиз». Наврўз кўрик-танлови.
10.00 Янгиликлар.
10.05 «Енгиндан эҳтиёт бўлинг!». Публицистик кўрсатув.
10.35 «Қалдирғоч». Қисқа метражли телевизион бадиий фильм.
11.15 «Суғдиёна» камер оркестри Германияда.
12.00 «Ёшлик» студияси. «Тафаккур».
12.35 «Сўнгги найранг». Бадиий фильм.
14.00 — 14.05 Янгиликлар.

***

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
Публицистик кўрсатувлар дастури:
18.10 1. «Ватанни севмоқ иммондандур!»
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 Оқшом эртаклари.
20.10 2. Биржа ва банк хабарлари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 3. «Ватанни севмоқ иммондандур!» (давоми).
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ахборот».
23.55 — 00.25 «Адашлар». Кинокўрсатув.

II

18.00 Янгиликлар.
18.10 Эълонлар.
18.15 «Мультфейерверк».
18.40 «Палитра».
19.05 ТВ II намойиш этади.
19.15 «Постфактум».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Муўжиза». Дэвид Копперфильд.
20.20 «Мусиқа, холос...»
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Курьер».
21.20 «...яна об-ҳаво ҳақида».
21.30 ТВ II намойиш этади.
21.40 «Уфқлар».
22.00 Оҳанглар ва Эълонлар.
22.30 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
23.20 — 00.20 «СПОРТ-ҚИТЪАСИ».

III

17.50 Янгиликлар.
17.55 Эълонлар.
18.00 «Палиостоми кўли», «Қўриқхонадаги уйлар». Телефильмлар.

*

Россия жамоат телевидениеси
18.20 — 21.40

*

21.40 «Резидент»нинг тақдири». Бадиий фильм. 1-серия.
23.00 Янгиликлар.
23.05 Эълонлар.
23.10 «Лаҳза». Телефильм.

*

Россия давлат телевидениеси
23.30 — 23.50

*

23.50 — 24.00 «Бернора Қориева рақсга тушади». Фильм-концерт.

IV

17.05 «Кўзмунчоқ». Болалар учун кўрсатув.
17.40 «Дунё эшиги». «Маърифат» халқаро жамияти иш фаолияти ҳақида (такрор.).

*

18.10 — 19.40 Туркия телевидениеси.

*

19.40 «Мульткарусель».
19.55 Эълонлар.
20.00 «Экспресс».
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Ҳайвонот оламининг сири».
21.50 Оҳанглар ва Эълонлар.
22.20 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
23.10 — 00.10 «СПОРТ-ҚИТЪАСИ».

III

17.50 Янгиликлар.
17.55 Эълонлар.
18.00 «Афсоналар ўлкаси». Телефильм.

*

Россия жамоат телевидениеси
7.30 — 9.00 «Телетонг».

***

18.20 — 21.40

*

21.40 «Клиника». Бадиий фильм.
23.00 Янгиликлар.
23.05 Эълонлар.
23.10 «Дунганча тўй». Телефильм.

*

18.10 — 19.40 Туркия телевидениеси.

*

19.40 «Мульткарусель».
19.55 Эълонлар.
20.00 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
20.50 «Дурдаршан» телекомпаниясининг кўрсатувлари.
21.20 «Каталог».
21.30 «Соккер-клуб». Футбол шарҳи.
22.30 Эълонлар.
22.35 «Мусиқий Ўзбекистон».
23.05 — 23.55 «Тошкентнома».

ЧОРШАНБА, 27

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш дастури.
7.30 «Ахборот».
7.55 — 8.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» (давоми).

*

8.30 «Хотира». Сайфуддин Йўлдошев.
9.05 «Кашф этилаётган имкониятлар».
9.30 Саида Зуннунова. «Ёлғизлик». Теленовелла.
10.00 Янгиликлар.
10.05 «Соғлом авлод учун». Тележурнал.

Ўқув машғулотлари:
10.30 «Янги алифбони ўрганамиз».
11.00 «Ассалом, япон тили».

*

11.40 «Умр мазмуни». Телеочерк.
12.00 «Синфдош». Тележурнал.
12.30 «Биз танлаган касб». Телефильм.
13.00 «Истиқлол маликалари». Телеҳикоя.
14.00 — 14.05 Янгиликлар.

***

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 «Газалхон ёшлигим».
18.40 Спорт хабарномаси.
18.50 «Осойишталик посбонлари».
19.00 «Соз сеҳри». Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Шуҳрат Йўлдошев.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 Оқшом эртаклари.
20.10 «Иқтисодиёт чорраҳаларида». Тележурнал.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 Ўзбекистон телевидениесида вилоят студияларининг кўрсатувлари. Экранда — Андижон вилояти.
21.40 Халқаро Театр куни. «Сарҳадлари чексиз санъат». Видеоканал.
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ахборот».
23.55 — 00.25 «Ёлқин». Тележурнал.

II

18.00 Янгиликлар.
18.10 Эълонлар.
18.15 «Мультфейерверк».
18.30 ТВ II намойиш этади.
18.40 «Кулгига нима етсин».
19.05 «Хусусийлаштириш: қадам-бақадам».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Компьютер-Осиё».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Ҳайвонот оламининг сири».
21.50 Оҳанглар ва Эълонлар.
22.20 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
23.10 — 00.10 «СПОРТ-ҚИТЪАСИ».

III

17.50 Янгиликлар.
17.55 Эълонлар.
18.00 «Афсоналар ўлкаси». Телефильм.

*

Россия жамоат телевидениеси
7.30 — 9.00 «Телетонг».

***

18.20 — 21.40

*

21.40 «Клиника». Бадиий фильм.
23.00 Янгиликлар.
23.05 Эълонлар.
23.10 «Дунганча тўй». Телефильм.

*

Россия давлат телевидениеси
23.30 — 23.50

*

23.50 «Қора сувсар изидан». Телефильм.

IV

17.00 «Сизга таъзим».
17.30 «Фильмлар ва тақдирлар».

*

18.10 — 19.40 Туркия телевидениеси.

*

19.40 «Мульткарусель».
19.55 Эълонлар.
20.00 «Жонли тил». Танлов дастури.
21.00 «Дорихона эшитади...» Бевосита мулоқот.
21.35 «Бу бўстон аро...»
22.05 «02» тўлқинида.
22.20 Эълонлар.
22.25 — 23.25 «Тошкент оқшомида».

ПАЙШАНБА, 28

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш дастури.
7.30 «Ахборот».
7.55 — 8.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» (давоми).

*

8.30 Республика газеталарининг шарҳи.
8.40 «Иқтисодиёт чорраҳаларида». Тележурнал.
8.55 «Қутлов». Болалар учун қизиқарли дастур.
9.30 «Ёлқин». Тележурнал.
10.00 Янгиликлар.
10.05 Ўзбек тили.
10.35 «Ўзбектелефильм» кўрсатади: «Жўрахон ака».
10.50 «Бола бошидан...». Мактабгача тарбия муассасалари.
11.30 «Фусункорсан, баҳор». Мусиқий дастур.
12.00 «Уран» сайёрасининг йўлдоши». Бадиий фильм.
13.35 «Қишлоқ тадбиркорлари». «Қаловини топсанг». Телеочерк.
14.00 — 14.05 Янгиликлар.

***

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 «Компьютер сабоқлари».
18.45 «Шартнома ҳаққоний бўлсин!». Публицистик кўрсатув.
19.15 «Шеърият». Жўманиёз Жабборов.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 Оқшом эртаклари.
20.10 «Юзма-юз». Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Давлат автомобиль назорати бошқармасининг бошлиғи, милиция полковниги Шукрулло Рўзматов билан мулоқот.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Эътироф». Амир Темур жамғармаси. Бадиий-публицистик кўрсатув.
21.35 Санъат усталарининг концерти.
22.15 «Омад ҳамиша келавермайди». Бадиий фильм.
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ахборот».
23.55 — 00.35 «Устоз ва шогирд». Ўзбекистон халқ артисти Раҳима Мазоҳидова ва Хурсаной Қодирова.

II

18.00 Янгиликлар.
18.10 Эълонлар.
18.15 «Мультфейерверк».
18.35 «Тропиканка». Телесериал (Бразилия).
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Фармед».
20.05 «Мусиқа, холос...».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Сизнинг услуб».
21.15 «Автосалон».
21.35 Оҳанглар ва Эълонлар.
22.05 «Кинонигоҳ».
23.45 — 00.30 «СПОРТ-ҚИТЪАСИ».

III

17.50 Янгиликлар.

(Давоми 4-бетда).

ДУНЁ ВОҚЕАЛАРИ

ЯНГИЛИКЛАР, ХАБАРЛАР, ФАКТЛАР

Хабарлар оқимидан

• *АҚШ давлат котиби У. Кристофер Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг (ЕХҲТ) амалдаги раиси Ф. Котти билан учрашуви чоғида Чеченистондаги воқеаларга тўхталди. Ф. Коттининг журналистларга маълум қилишича, учрашувда Чеченистондаги вазиятнинг янада аянчли тус олгани ва бу ерда инсон ҳуқуқлари бўткул поймол этилаётгани таъкидланди. Ушбу муаммони фақат сиёсий йўл билан ҳал қилиш мумкин ҳамда Россиядаги Президент сайловига тайёргарлик бунга ижобий таъсир кўрсатади, дея умид билдиришди учрашув қатнашчилари.*

x x x

• ***«Нью-Йорк Таймс» газетаси Россиядаги сайловолди жараёнини шарҳлар экан, Президент Борис Ельцин мамлакат деҳқонларини коммунистлардан юз ўгиртириш ва ислоҳотлар самарасини кўрсатиш мақсадида ерни сотиш ҳамда сотиб олишга ҳуқуқ берувчи Фармон чиқарганини ёзади. Россия иқтисодиёти ва кишилари онгига бундан ортиқ кучли таъсир кўрсатадиган бошқа ҳужжатни тасаввур қилиш қийин. Шундай қилиб, Россиядаги миллионлаб деҳқонлар июнь ойидаги Президент сайловида ўз мулкларини тортиб оладиган кучлар кимлар экани ҳақида ўн карра ўйлаб кўрадилар. Шу боис, мазкур Фармоннинг дастлабки таъсири тўла сиёсий аҳамиятга эгадир, дейди газета мухбири.***

x x x

• *ХХР Давлат Кенгаши раҳбари Ли Пэн халқ вакиллари Умумхитой Кенгашининг навбатдаги сессияси якунларига бағишланган матбуот анжумани ўтказди. У Тайван масаласи ҳақида сўзлаб, бу муаммо Хитойнинг ички иши экани ва ҳеч қандай ташқи куч уни ҳал этишда аралаша олмаслигини таъкидлади. Тайван яқинида кимларнингдир ўз қудратини намойиш этиши бефойда бўлишидан ташқари, вазиятни янада мураккаблаштиради, холос, деди у. Хитой—Америка муносабатларига тўхталган Ли Пэн ҳар икки мамлакат нуқтаи назарида маълум тафовутлар борлиги, уларни фақат ўзаро тенг ҳуқуқли мулоқот ва ҳамкорлик орқали бартараф этиш лозимлигини айтди.*

x x x

• ***Бокуда мамлакат парламенти — Миллий Мажлис Кенгаши бошланди. Парламент матбуот хизматининг маълум қилишича, депутатлар Россия Давлат думасининг Беловеж битимини бекор қилиш ҳақидаги қарорига муносабат билдирадилар. Аввалроқ, Озарбайжон Президенти думанинг мазкур қарори ҳақида ўзининг салбий фикрини изҳор қилган ва тарихни ортга қайтариб бўлмайди, дея таъкидлаган эди.***

x x x

• *Фаластин миллий маъмурияти раҳбари Ёсир Арафот Иордан дарёсининг ғарбий қирғоғи ва Ғазо секторини бундан буён фақат «Фаластин» деб аташ ҳақида фармон чиқарди. Энди Иордан дарёсининг ғарбий қирғоғи «Фаластиннинг шимолий туманлари», Ғазо сектори эса «Фаластиннинг Ғазо тумани» деб аталади. Фаластин маъмуриятининг хабар беришича, ушбу қарор «сиёсий ва жуғрофий сабабларга» кўра қабул қилинган. Чунки, қадимги римликлар муомалага киритган Фаластин сўзи Иордан дарёси билан Ўрта ер денгизи қирғоқларигача бўлган ҳудудни англатган. 1967 йилда эса бу ерларни Исроил босиб олган эди.*

ҚИСҚАЧА АЙТГАНДА

• **Борис Ельцин сайлов штаби яқин вақт ичида ўз сайловолди дастурига алоҳида ўзгартиришлар киритишни мўлжалламоқда. РАТА-ТАССнинг хабарига кўра, Россия Президентининг ўзи сайловолди кампаниясини бошқармоқчи.**

***

• **Шу йилнинг 25 март куни Афғонистонда «Толибон» гуруҳи кенгаши йиғилиш ўтказиб, унда ўтган йили августдан бери Қандоҳорда тутқинликда сақланаётган Россия учувчилари тақдирини ҳал қилиш масаласи кўрилиши мумкинлиги кўзда тутиляпти.**

***

• **Бангладеш пойтахти Даккада, янги таркибдаги парламентнинг биринчи сессияси очилиши олдидан, 50 минг нафар намойишчилар парламент биноси томон ўтишга ҳаракат қилдилар. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органи ходимлари уларга қарши кўзни ёшлантирадиган газ ва резина ўқлардан фойдаланишга мажбур бўлдилар. Бунинг натижасида 200 киши яраланди, уларнинг кўпчилиги оғир аҳволда касалхоналарга ётқизилди.**

МАНДЕЛАНИНГ ОЙЛИГИ ОШМАДИ

Жанубий Африка Республикаси бюджети 1996 йилда давлат хизматчиларининг бир қатор категориялари учун ойлик маошни оширишни кўзда тутади. Фақат Президент Манделанинг иш ҳақи ўзгармасдан қолди.

Ҳозир унинг йиллик даромади 552 минг рэнд (қарийб 140 минг Америка доллари)ни ташкил этмоқда. Бу Президентга тегишли барча имтиёзлар билан қўшиб ҳисобланган суммадир. Бироқ у солиқ тўлашдан озод этилмаган. Президент Мандела турмуш ўртоғи Винни хоним билан бирга турмаётганидан кейин уч йилдан бери оддий ҳаёт кечириб келади ва иш ҳақининг бир қисмини муттасил равишда болалар фондига ўтказиб туради.

Аммо ЖАРда 1996 йилда Президент девонини таъминлаб туриш учун ўтган йилгига нисбатан тўрт баравар кўп маблағ сарфланиши кутилмоқда. Бу чиқимларнинг катта қисми хавфсизлик мақсадларига сарфланади. Халқаро терроризм бўйича экспертлар Президент ва унинг икки ўринбосарини олиб юрадиган автомобиллар ишончли эмаслиги ва уларни алмаштириш лозимлигини маслаҳат беришди. Шу боис яқинда Президент ва унинг ўринбосарлари учун бешта янги махсус автомашиналар буюртма қилинди.

ВИЛЛИ КЛАСС СИЁСАТГА ҚАЙТЯПТИМИ?

Собиқ НАТО Бош котибига нисбатан суд иши қўзғатилиб мажбурий истеъфога чиққанига ҳам мана беш ой бўлиб қолди. Яқинда у Бельгиянинг Хассельте шаҳри социалистлар партияси бўлими раислигига сайланди. Эсингизда бўлса, у илгариги юқори лавозимини, Бельгия парламенти уни порахўрликда айблагандан кейин тарк этган эди. Ўшанда истеъфодан кейин собиқ НАТО Бош котиби ўзининг «сиёсий ўлдирилгани» ҳақида айтган эди. Лекин кўринишича В. Класс секин-аста яна сиёсий фаолиятга қайтиш ниятида. Балким, вақт ўтгандан кейин В. Класс ўз номзодини парламент депутатлигига ҳам қўйиши мумкин. Бунинг учун у суд жараёнида енгиб чиқиши керак. Афсуски, ушбу суд жараёнининг қачон бошланиши ҳали аниқ эмас.

ҚЎЙДИ-ЧИҚДИГА 20 МИЛЛИОН

Дарвоқе, Йоханнесбургда Нельсон Мандела ва унинг хотини Винни хоним ўртасидаги никоҳни бекор қилиш суд жараёни бошланди. Улар 1958 йили никоҳдач ўтишганди. Бироқ бирга кўп бўлишаолмади. Дастлаб Нельсон Преториядаги ирқчилик режимига қарши сиёсий курашда Африка Миллий Конгрессида банд бўлиб кўпинча ҳукумат органларидан яшириниб юришга мажбур бўлди. 1964 йили уни умрбод қамоқ жазосига маҳкум этдилар. У 27 йил қамоқхонада бўлди. 1991 йили Нельсон озодликка чиққандан кейин ҳам эр-хотиннинг оилавий ҳаёти барибир ўнгланмади. Хотини Винни бир қатор шов-шувли воқеаларга сабабчи бўлганлигини сезган Нельсон никоҳни бекор қилишга қарор қилди. Тўғри, улар никоҳни бекор қилмасдан туриб ҳам уч йил алоҳида истиқомат қилишди. Эндиликда чамаси бундай муносабатлар шакли собиқ эр-хотинни қаноатлантирмай қўйди. Шу боис, улар судга ажрашиш мақсадида мурожаат қилдилар.

Бироқ, 78 ёшли Президент учун никоҳни бекор қилиш жараёни осон кечмайди чоғи. Манделалар оиласига яқин бўлган манбалар далилларига асосланиб Йоханнесбургдаги «Сити пресс» газетаси Винни Нельсондан компенсация тарзида 20 миллион рэнд (қарийб 6 миллион доллар) беришни талаб қилаётганлигини ёзади. Винни, шунингдек, унга Мандела китоблари ва хатларини нашр этишдан тушган қалам ҳақларидан ҳам фоизлар берилиши кераклигини айтмоқда.

«Мен қамоқхонадан чиққанимдан буён, — деди Президент Мандела суд йиғилишига бора туриб, — хотиним бирор марта бизнинг ётоқхонамизга кирмаган. У мени бутун Жанубий африкаликлар кўз ўнгида шарманда қилди ва жаҳондаги энг ёлғиз инсонга айлантириб қўйди». Нельсоннинг айтишича, 90-йиллар бошида унинг хотини Африка Миллий Конгресси ёш раҳбарларидан бири билан ишқий муносабатларда бўлган экан. Ваҳоланки, бу пайтда Винни хонимнинг ёши 60 дан ошиб қолган эди...

СИЧҚОН ЕБ КЕТИБДИ

Шунақасиям бўлади

Стокгольм. Швециялик тиббиётчилар артрит-бўғинларнинг яллиғланишига қарши ишлатиладиган янги препарат яратдилар. Афсуски, уларнинг меҳнатини лаборатория сичқонлари чиппакка чиқарди. Сичқонлар улар тасдиқлаган рецептни «паққос» тушириб қўйди. Қанақасига дейсизми?

Кимёгар Ларс Кнудсен ва унинг ҳамкасблари бир йилдан ортиқ артрит касаллигини тез ва самарали даволаш учун фойдаланиладиган дори устида бош қотиришди. Ва уни яратишди. Улар «хомаки ёзма» — рецептни хусусий лабораториянинг махфий яшигига беркитиб қўйишди.

Афсуски сичқонлар ушбу яшикнинг орқасидан ўзларига «махфий» туйнук очишга улгуришган экан!

Футбол оламида

ДАРВОЗА КЕНГАЯРМИШ...

Халқаро футбол Федерациясининг президенти Жоао Авеланж кексайиб қолди.. У бу лавозимда яна икки йил ишлайди. Бразилиялик бу қария 1974 йилдан бери, тўғрироғи, инглиз Стенли Роузни муддатидан илгари президентликдан «маҳрум» этилгандан буён футбол оламида ҳукмронлик қилмоқда. Ҳозирча унинг ўрнини УЕФА президенти Леннарт Юханссон эгаллаши кутиляпти. Кўпчилик ёши улуғ бу президент ўзига хос донишмандлик касб этса керак, деб кутган эди. Афсуски, у ўзининг ножўя ҳаракатлари билан жаҳон футбол оммасининг ғашига тегиб, мухлисларнинг ихлосини қайтариб қўймоқда. У билан яқин мулоқотда бўлганлар: «Гапга ҳам кирмайди, ўз билганидан қолмайди, қўполлигини қўяверасиз», деб нолишмоқда. Маълум бўлишича, Авеланж танҳоликни хуш кўраркан, гуллар, совринлар ва байроқлар билан безатилган хонасида танҳо овқатланаркан.

Қизиғи шундаки, яқинда футбол президенти бир «найранг» кўрсатди. У халқаро федерациянинг бош котиби Блаттернинг футбол дарвозасини бироз кенгайтирсак, қандай бўларкин, деган таклифини маъқуллаб қўя қолди. Эмишки, дарвоза 244x744 бўлса кўпчиликнинг кўнглидагидек иш бўлармиш. Бундай ўзгаришни шарҳлаб ёқловчиларнинг фикрича, дарвозага қанча кўп тўп киритилса, ўйин шунча мароқли бўлармиш.

Авеланж раҳнамолигида яна бир холис ният қилинмоқда. У ҳам бўлса, халқаро учрашувлар олдидан ҳар иккала жамоа футболчилари томонидан 11 метрли жарима тўплари тепиш. Бу ҳам кўпчиликни таажжубга солмоқда. Чунки, олдиндан тепилган тўпларни ҳеч қачон майдонда кўрсатилган маҳорат билан қиёслаб бўлмайди. Бундан ташқари бир жамоада тўп ураралар жамланган бўлса, бошқасида ўйинни моҳирлик билан ташкил этиш, ўзаро ҳамкорлик ва мақсадни кўзлаш тобига етган бўлади. Умуман, футбол оламида яна қандай «ҳайратланарли» воқеалар бўлиши номаълум. Нима бўлганда ҳам қария яна икки йил футбол президенти бўлиб тураркан, сабр қилишга тўғри келади.

Мирзо АНВАР.

От ўрнини той босар. Тўлқин ЛУТФУЛЛАЕВ олган сурат.

ОЛАМ КУТГАН ТАШРИФ

Байрам даврасида

Наврўз одамларни бирлаштиради. Тириклар марҳумларни эслайди, ёшлар кексаларни, соғлар беморларни йўқлайди. Ҳамма бир-бирига саломатлик истайди. Табрикларнинг дебочаси «Аввало соғлик... тилайман»дан бошланади.

Узбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги 1-клиник шифохонаси ҳовлисида тумонат одам. Наврўз тантаналари гоҳ қуйқушиққа, гоҳ рақсу мақомга, гоҳ шеъру табрик сўзларига уланади. Аёллар янги, чиройли либослар кийишган. Эркаклар ҳаётдан ва кўнгилчан.

— Кўнгилчанлик шифокор учун фазилатми, иллатми? — деб сурайди мухбир шифохона бош врачи, тиббиёт фанлари номзоди Муродин Қодировдан. Муродин Холматович феълига хос жўшқинлик ва ниҳоят билан сўзлайди:

— Шифокорнинг кўнгилчанлиги кўздан ёш оқизмайдиган, қулни титратмайдиган кўнгилчанлик бўлиши керак.

Республика ҳукумати, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, турли нуфузли идоралар, мамлакатимизлаги чет эл элчихоналари вакиллари, маҳалла оқсоқоллари байрам даврасига ташриф буюрадилар.

«Етказганинга шукур» дея чинни пиялаларда сузилган сумалакдан татийди ҳамма. Беморларга ҳам сумалак улашилади. Ундан татинганлар тезда соғаяди, албатта.

Наврўз-да, даврада фақат яхши гаплардан гапирилади.

— Биз ҳам Наврўзга ишимизда янгиланиш билан келдик, — дейди шифохона 1-педиатрия бўлими мудираси, олий тоифадаги врач Мамлакат Аъзамова. — Президентимиз ташаббуси билан мамлакатимиз миқёсида амалга оширилаётган «Соғлом авлод учун» дастури бизга энг кўп даражада дахлдор. Бўлимимизда йилига 2 минг нафарга яқин бир ёшгача бўлган болалар даволанади. Бўлим мудири ўринбосари Муҳаббат Зокирова ҳамда Доно Мирбобоева, Юлдузхон Муродова каби малакали мутахассисларимиздан бизга ердам сўраб мурожаат этаётган ота-оналар миннатдор.

— Биз фақат болалар эмас, оналар соғлигини тиклаш борасида ҳам қайғурамиз, — дейди тажрибали шифокор Зоҳида Сирожиддинова. — Чунки боланинг соғлом бўлиши онанинг саломатлигига жуда боғлиқ.

Бола қаери оғриётганини айта олмайди. Буни аниқлаш учун олдий шифокор бўлишдан ташқари бола қалбини тушунадиган, бола билан «тиллашадиган» кўнгил эгаси ҳам бўлиш лозим. М. Аъзамова, М. Зокирова, Д. Мирбобоева, Ю. Муродова, З. Сирожиддиноваларни ана шундай бола тили ва дилини уқувчи шифокорлар дейиш мумкин.

Тиббиётчилар: «Шифокор бўлганимиз учун ҳам улуғ айём кунларида халқимизга соғлиқ, омонлик, тинчлик, тотувлик тилаймиз», — дейишади. Икки кафтимизни дуога очиб, биз ҳам бу истакка қўшиламиз.

Салим АШУРОВ,
«Ўзбекистон овози» махсус мухбири.

Тошпўлат АҲМАД

КЎЗЛАРГА СУРТИНГИЗ БОДОМ ГУЛИНГИ

(Наврўз томчилари)

Дил кўклам атрига тўлсин десангиз,
Авайланг райҳоннинг қуруқ, хўлини.
Ёронлар, чеҳрам ол бўлсин десангиз,
Кўзларга суртингиз бодом гулини.

***

Баҳорнинг қизиман, дедингми, гилос?
Нозиман, созиман, дедингми, гилос?
Унда бир ўпайин қирмиз лабингдан,
На дединг? Розиман, дедингми, гилос...

***

Не деб таъриф этай бу инжа ҳолни,
Сулувлар маҳлиё боқурлар бешак.
Ошуфта этмасми ахир хаёлни,
Қошига ўсмалар чекса бойчечак.

***

Сени гар кўрмаса уйғонмас баҳор,
Ранглар қуршамайди еру самони.
Ялпизим — юлдузим, яшнагин такрор,
Атрингга чулғагин жумла дунёни.

***

Яйловларнинг оғушида гулхан кўрдим,
Гуриллаган, яшноқ-яшноқ чаман кўрдим.
Чўпон деган фидойининг таёғидан,
Ризқ-рўз унган, тилло унган Ватан кўрдим.

***

Тоғларнинг ёлқини надур? — Наврўздир!
Боғларнинг тошқини надур? — Наврўздир!
Нури ҳидоятдин жумбушга келган,
Юраклар тўлқини надур? — Наврўздир!..

МАРҲАБО, НАВРЎЗ!

Қору қировларнинг кунлари битди,
Гўзал сийнасидай тўлди пиндиқлар.
Лайлатул қадр ҳам мўралаб ўтди,
Баҳор, сени кутар ҳамма интиқлар.

Лайли тун этагин ҳимарар баҳор,
Майсалар йўргакда тамшаниб қолди.
Янги кўйлак кийди бугун бодомзор,
Мажнунтол шамолга сочини солди.

Далалар ёйди-ю оқ чойшабларин,
Бир гулга туҳфа деб бериб юборди.

Қуртлар ҳам нечундир қишки хобларин
Бузган баҳор билан ўйнашиб қолди.

Табиат илмидан кетар экан гап,
Менинг ҳам юрагим истар бир изҳор.
Қалбимда барқ урар илоҳий бир тафт,
Қадаминг бардам қил, марҳабо баҳор,

Маҳмуд ЙЎЛДОШ.

Саломатлик сандиғи

ИЛИК УЗИЛГАН МАҲАЛ

Асрлар оша етиб келган, бутун Шарқ мамлакатлари халқлари томонидан сабрсизлик билан кутилган баҳор байрами — Наврўз кириб келаётир. Умуминсоният, тўғриғоғи, бутун тирик мавжудот ҳаёти билан боғланган айрим табиий воқеалар ва қонуниятлар борки, уларни йўқотиш ёки инкор қилиш мумкин эмас. Наврўз ҳам шундай айёмлардан.

Баҳор фаслида она табиатда содир бўладиган турли ўзгаришлар ўз навбатида инсон вужудига ҳам таъсир кўрсатиши табиий. Шунинг учун бўлса керак, наврўз кезларида турли ёшдаги кишилар ўртасида «ухлаб уйқуга тўймайман», «салга чарчаб қоламан», «ҳеч қандай сабабсиз тинка қуриди», «ишим унмайди» қабилидаги шикоятомуз гаплар учраб туриши мумкин. Қизиғи шундаки, баҳор кезлари аҳоли ўртасида шамоллаш, томоқ яллиғланиши, ангина каби хасталиклар ҳам кўп қайд қилинади. Халқимизда бу паллани «илик узилди»дейилиши бежиз эмас. Баҳор фаслида табиатдаги кескин ўзгаришлар, шунингдек, инсон истеъмол қиладиган сабзавот ва мевалар таркибида витаминларнинг камайиб кетиши одамларнинг силласи қуришига сабаб бўлади. Ҳақиқатан ҳам, витамин сўзи лотинча бўлиб, «вита» — ҳаёт деган маънони билдиради. Витаминларнинг овқат маҳсулотларида кам бўлиши кишилар ўртасида гиповитаминоз касаллигига сабаб бўлиши мумкин. Бунда одам организмида турли хил касал чақирувчи микробларга қарши курашиш қобилияти кескин пасайиб кетади.

Хўш, бу ҳолатдан қутулиш чораси борми? Баҳорги қувватсизликка қарши ҳозирги кунда плёнкалар остида ёки иссиқхоналарда етиштирилган турли хил ошкўклардан, ёввойи кўкатлардан ялпиз, жаг-жаг, кийик ўти, отқулоқ, наъматак, семизўтлардан турли хил салатлар, кўк сомсалар, чучвара, манти, хоним каби таомлар тайёрлаш мақсадга мувофиқдир. Бу ошкўклар таркибида саломатлик учун зарур бўлган турли витаминлар, микроэлементлар, биологик актив моддалар кўп, улар, айниқса, аскорбин кислотаси витамин В1, РР, Р, К ва каротинларга бойдир. Ёввойи ҳолда тарқалган бу фойдали ошкўклар ўз таркибидаги витаминларнинг миқдори, сифати жиҳатидан маданий ошкўклардан қолишмас экан. Кузатишлардан шу нарса ойдинлашдики, эрта баҳордаги паст ҳарорат, юқори намлик, нисбатан тоза ҳаво ошкўклар таркибида одам организми учун зарур витаминларнинг яхши йиғилишига сабаб бўлади.

Маълум бўлишича, кўпчилик ошкўклар таркибидаги аскорбин кислотасининг миқдори эрта тонгдан то тушга қадар ортиб бориб, сўнг пасаяр экан. Шу билан бирга организмнинг турли хил касалликларга курашувчанлик қобилиятини оширувчи, кўзнинг кўриш қобилиятини яхшиловчи каротин моддаси аксинча куннинг иккинчи ярмида кўпроқ йиғилар экан. Бунда қуёш нурининг таъсири катта бўлса керак. Ошкўкларни қанчалик майда қилиб тўғраб, ёғ билан бирга пиширсангиз, улардаги каротин яхши ажралади. Ошкўкларни иложи борича озода, автомобиль, поезд йўлларидан, саноат корхоналаридан узоқроқ жойлардан теришга алоҳида эътибор беринг, акс ҳолда уларнинг ифлосланиши фойда ўрнига зарар келтириши мумкин.

Наврўзда маҳаллаларда тайёрланадиган сумалакларни қувват дорининг ўзгинаси десак муболаға бўлмас, чунки ўстирилган буғдой донидан тайёрланган сумалак таркибида жуда ҳам фойдали Е витамини борлиги беқиёсдир.

Севара НОСИРОВА,
Тошкент шаҳар саломатлик маркази шифокор-методисти.

КОРХОНА РАҲБАРЛАРИ ВА ИШБИЛАРМОНЛАР ДИҚҚАТИГА!

Ишлаб чиқараётган маҳсулотларингиз сифатини оширишни хоҳлайсизми, МАРҲАМАТ!

Россиянинг энг йирик ип йигирув корхоналари — *"Советская звезда", "Красная нить", "Кварта"* очиқ турдаги ҳиссадорлик жамиятларидан, 1994 йили Санкт-Петербург шаҳрида ташкил топган *"Квартон"* концернининг Ўзбекистондаги расмий вакили — *"Каромат ЛТД"* қўшма корхонаси сизларга турли хилдаги ипларни **ТАКЛИФ ЭТАДИ.**
Бу иплар тикувчилик, пойабзал, трикотаж, чарм-галантерия саноати, ноширлик ишлари, тўр тўқиш ва уй-рўзғор юмушлари учун мўлжалланган.
Иплар сони ва ранги бўйича буюртма асосида тайёрлаб берилади.

АРМИРЛАНГАН ИПЛАР : бундай махсулот ўта пишиқ бўлиб, қуйидаги маркаларга эга: 25 ЛХ, 25 ЛХ-1, 35 ЛЛ, 36 ЛЛ, 36 ЛХ-1, 36 ЛХ, 44 ЛХ-1, 45 ЛЛ, 65 ЛХ, 65 ЛЛ, 80 ЛЛ, 100 ЛХ, 150 ЛХ, 150 ЛЛ, 200 ЛХ, 200 ЛЛ.

ПОЛИЭФИР ИПЛАРИ: 30 Л, 34 Л, 41 Л, 60 Л, 70 Л, 84 Л, 86 Л, 120 Л, 130 Л, 260 Л, 300 Л, 24 ЛТ, 37 ЛТ, 27 ЛШ, 40 ЛШ, 80 ЛШ, 270 ЛШ.

ПОЛИАМИД ИПЛАРИ: 65 К, 95 К, 125 К.

УНИВЕРСАЛ ПОЛИАМИД ШАФФОФ ИПЛАР: 13 КМП, 20 КМП, 37 КМ.

УЙ-РЎЗҒОР ИПЛАРИ: 30 Л (узунлиги 400 м), 35 ЛЛ, 36 ЛХ, 44 ЛХ, 45 ЛЛ, 27 ЛШ (ҳар бир ўрами 200 м).

Маҳсулот келишилган нархда пул ўтказиш йўли билан сотилади.
Барча турдаги иплар ёрқин ва ранг-баранглиги билан ажралиб туради.

Манзил: Тошкент, Ўқчи кўчаси, 113 - уй.
Мўлжал: метронинг "Пахтакор" бекати ва 76-мактаб.
Телефон: (3712) 44-29-43.

ҲАФТАЛИК КЎРСАТУВЛАР

(Давоми. Боши 3-бетда).

17.55 Эълонлар.
18.00 «Тун маликаси гуллаганда». Телефильм.

*

Россия жамоат телевидениеси
7.30 — 9.00 «Телетонг».

***

18.20 — 21.40

*

21.40 «Пул ранги». Бадиий фильм.
23.10 Янгиликлар.
23.15 Эълонлар.
23.20 Телефильм.

*

Россия давлат телевидениеси
23.30 — 23.50

*

23.50 — 00.05 «Боғлар кўрки». Телефильм.

IV

17.05 «Дунё ва болалар».
17.35 «Компьютер-ревю» (такрор.).
18.00 «Қўқоннинг латиф ёдгорликлари». Телефильм.

*

18.10 — 19.40 Туркия телевидениеси.

*

19.40 «Мультқарусель».
19.55 Эълонлар.
20.00 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
20.50 «Жанггоҳларда тобланган тақдирлар».
21.05 Эълонлар.
21.10 «Кинематограф».
22.40 «Туризм-ревю».
23.20 — 23.50 «Дурдаршан» телекомпаниясининг кўрсатувлари.

ЖУМА, 29

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш дастури.
7.30 «Ахборот».
7.55 — 8.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» (давоми).

*

8.30 «Устоз ва шогирд». Ўзбекистон халқ артисти Раҳима Мазоҳидова ва Хурсаной Қодирова.
9.10 «Бахтиёр шаҳзода». Мультфильм.
9.30 Немис тили.
10.00 Янгиликлар.
10.05 «Едингиздами?». Кинодастур.
10.45 «Талабалик йилларим». Таҳлилий кўрсатув.
11.15 «Санъат гунчалари». Концерт.
11.50 «Маърифат» видеоканали.
14.00 — 14.05 Янгиликлар.

* * *

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 Болалар учун. «Ўйлаймизу ўйнаймиз».
18.50 «Мулкдор». Телеочерк.
19.15 «Автоолам».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 Оқшом эртаклари.
20.10 «Ҳаёт ва қонун».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Олтин мерос». Халқ артисти Тамарахоним.
21.40 «Ойдаги доғлар». Публицистик кўрсатув.
22.20 «Нигоҳ». Баҳс-мунозара.
23.05 Мусиқий дақиқалар.
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ахборот».
23.55 — 00.40 Футбол. Ўзбекистон кубоги.

II

18.00 Янгиликлар.
18.10 Эълонлар.
18.15 «Эртаклар оламига саёҳат».
18.35 «Ривоят».
18.45 «Жума тақвими».
18.50 «Эртага — шанба».
19.10 Оҳанглар оғушида.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «RAKS» тақдим этади.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Тасвир».
21.25 «Таманно».
21.35 Оҳанглар ва Эълонлар.
22.15 — 23.05 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.

III

17.50 Янгиликлар.
17.55 Эълонлар.
18.00 «Таманно». Телефильм.

*

Россия жамоат телевидениеси
7.30 — 9.00 «Телетонг».

***

18.20 — 21.40

*

21.40 «Қайсар қизнинг қуйилиши». Бадиий фильм.
23.00 Янгиликлар.
23.05 Эълонлар.
23.10 «Гўзаллик уйи». Телефильм.

*

Россия давлат телевидениеси
23.30 — 23.50

*

23.50 — 00.20 «Шоҳсупа сари».

IV

17.00 «Йўлингиз бехатар бўлсин!»
17.30 «Замандас» (қозоқ тилида).

*

18.10 — 19.40 Туркия телевидениеси.

*

19.40 «Мультқарусель».
19.55 Эълонлар.
20.00 «Дарсга қўнғироқ».
20.30 «Билиб қўйган яхши».
20.55 «Ўтмишсиз келажак йўқ».
21.25 «Бизнес-академия».
21.50 «Тақдирлар». Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган артист Раъно Шарипова ижоди ҳақида.
22.20 Эълонлар.
22.25 — 23.55 «Макр, муҳаббат, пул». Вахтангов номидаги Москва Давлат театри спектакли.

ШАНБА, 30

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш дастури.
7.30 «Ахборот».
7.55 — 8.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» (давоми).

*

8.30 Республика газеталарининг шарҳи.
8.40 «Нигоҳ». Баҳс-мунозара.
9.25 Футбол. Ўзбекистон кубоги.
10.10 «Қизиқарли учрашувлар». Ҳожибой Тожибоев.
10.50 «Олимп сари». Спорт дастури.
11.10 «Қадимги шўҳликлар». Бадиий фильм.
12.25 «Тараннум». Мусиқий дастур.
12.55 — 14.55 «Маънавият» видеоканали.

* * *

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Қўшиғим, жон қўшиғим».
18.40 Спорт хабарномаси.
18.55 «Санъат олами». Ўлмас анъаналар.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Оқшом эртаклари.
20.05 «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида).
20.15 «Бу ажиб дунё».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 Диққат, премьера: Юсуф Розиқов. «Домла». Кўп қисмли видеофильм. 1-серия.
21.30 «Ўзбекистон — Ватаним маним». Қўшиқлар кўрик-танлови.
22.15 «Актёрлар ва роллар». Муқимий номидаги Ўзбек давлат мусиқали драма театрининг актёри Дилором Сафоева.
23.15 «Тунги ёғду». Дам олиш кинодастури.

II

9.00 «Мультфейерверк».
9.15 «Хусусийлаштириш: қадам-бақадам».
9.35 «Компьютер-Осиё».
10.10 «Ҳайвонот оламининг сири».
11.10 «Сизнинг услуб».
11.15 «Автосалон».
11.35 Оҳанглар ва Эълонлар.
12.05 «Кинонигоҳ».
13.45 — 14.45 «СПОРТ-ҚИТЪАСИ».

* * *

18.00 «Совға».
18.20 «Фармед».
18.30 Эълонлар.
18.35 «Мактуб».
18.45 «Олам».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Оҳанглар оғушида».
20.05 «Имкон чўққилари».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Кўнгил». Дилшод Шамснинг муаллифлик кўрсатуви.
21.50 Оҳанглар ва Эълонлар.
22.20 — 24.00 Видео — «О».

III

17.50 Дастурнинг очилиши. Эълонлар.
17.55 «Уйғур санъати». Фильм-концерт.

*

Россия жамоат телевидениеси
18.20 — 21.40

*

21.40 «Кўҳна тоғлар афсонаси». Бадиий фильм.
22.55 «Қиз узатиб борганда». Телефильм.
23.25 Эълонлар.

*

Россия давлат телевидениеси
23.30 — 23.50

*

23.50 — 00.10 «Жонли сайёра».

IV

10.00 «Энг чиройли кемачалар». Болалар учун фильм. 1-серия.
11.15 Эълонлар.
11.20 «Айчурек» (қирғиз тилида).
12.00 «Сирдошим». Ўзбекистон телевидениеси шарҳловчиси С. Турсунова билан суҳбат (такрор.).
12.35 «Рангинкамон» (тожик тилида).
13.15 «Подиум».
13.35 — 14.15 «Ирэндек» (бошқирд тилида).

***

17.10 «Сиз учун учрашувлар». «Юные дарования Узбекистана» камер оркестри.

*

18.10 — 19.40 Туркия телевидениеси.

*

19.40 «Сиёҳдонча». Болалар учун дастур.
20.00 Эълонлар.
20.05 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
20.55 «Телеташриф».
21.10 «Бугунги Европа».
21.30 «Олам ва одам».
22.05 «Мамлакатлар, воқеалар, одамлар».
22.25 Эълонлар.
22.30 «Эллада».
23.10 — 23.30 «Бу ажиб дунё».

ЯКШАНБА, 31

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш дастури.
7.30 «Ахборот».
7.55 — 8.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» (давоми).

*

8.30 «Камалак». Болалар учун кинодастур.
10.00 «Ватанимга хизмат қиламан».
11.00 «Устоз ва мураббий». Оқилхон Шарофутдинов.
11.30 «Шоҳруҳ» клуби.
12.00 «Актёрлар ва роллар». Муқимий номидаги Ўзбек Давлат мусиқали драма театрининг актёри Дилором Сафоева.
13.00 «Ташриф». Дам олиш дастури.
13.50 — 15.30 «Нурли келажак». Видеоканал.

* * *

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Дилдан куйлаб, ўйна қувнаб». Концерт.
18.30 «Хазина». Тележурнал.
19.05 «Ойнаи жаҳонда...».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Панорама» (рус тилида).
19.55 Эълонлар.
20.00 «Мен халқимнинг юрагида яшайман». Кинокўрсатув.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ҳафтанома».
21.00 Эълонлар.
21.05 Диққат, премьера: Юсуф Розиқов. «Домла». Кўп қисмли видеофильм. 2-серия.
21.35 «Барҳаёт наволар». Мусиқий дастур.
22.40 Футбол. Ўзбекистон кубоги.
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ҳафтанома».
24.00 — 00.30 «Жаҳон киноси юлдузлари».

II

9.00 «Эртаклар оламига саёҳат».
9.20 «Ривоят».
9.30 «RAKS» тақдим этади.
10.00 «Тасвир».
10.25 «Таманно».
10.35 «Мактуб».
10.45 «Олам».
11.25 «Виждон». Телесериал (Миср Араб Республикаси).
12.10 «Оҳанглар оғушида».
12.20 «Имкон чўққилари».
12.40 «Кўнгил». Дилшод Шамснинг муаллифлик кўрсатуви.
13.10 Видео янгиликлари.
13.30 Оҳанглар ва Эълонлар.
14.00 Видео — «О».
15.40 — 16.40 «СПОРТ-ҚИТЪАСИ».

* * *

18.00 «Келгуси ҳафтада».
18.10 Эълонлар.
18.15 Болалар учун. «LEGO сайёраси».
18.40 «Виждон». Телесериал (Миср Араб Республикаси).
19.25 Эълонлар.
19.30 «Панорама».
19.55 Эълонлар.
20.00 «Шахс ва баҳс».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ҳафтанома».
21.00 Эълонлар.
21.05 «Оҳанглар оғушида».
21.15 «Илҳом сатрлари».
21.20 «Фармед».
21.30 «Даракчи».
21.40 «Келгуси ҳафтада».
21.50 Оҳанглар ва Эълонлар.
22.20 Видео — «О».
24.00 — 00.25 Футбол олами.

III

16.50 Дастурнинг очилиши. Эълонлар.
16.55 «Ёш истеъдодлар». Фильм-концерт.

*

Россия жамоат телевидениеси
17.20 — 21.50

*

21.50 «Мискар». Телефильм.
22.00 «Панорама».
22.25 Эълонлар.
22.30 — 23.05 «Соғ бўлинг!».

IV

10.00 «Эй! Тонгингиз хайрли бўлсин!»
10.30 «Эртакларнинг сеҳрли олами».
12.00 «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида).
12.10 «Парле ву франсэ». Француз тили ҳамма учун.
12.30 Эълонлар.
12.35 — 13.00 «Эсдалик учун дастхат».

***

18.40 «Сенинг вақтинг». Ёшлар учун дастур.
19.10 «Мамлакатлар, воқеалар, одамлар».
19.30 «Солиқ ҳақида сабоқлар».
19.40 «Сиёҳдонча». Болалар учун дастур.
20.00 Эълонлар.
20.05 «Ўзбекистон — умумий уйимиз». Тамарахоним юбилейига бағишланган кўрсатув.
20.35 «Дурдаршан» телекомпаниясининг кўрсатувлари.
21.05 «Обисумбул» мақбараси ҳақида ҳикоя». 3-кўрсатув.
21.50 «Буюк Ипак йўли». Лотерея ўйини.
22.20 «Би-Би-Си» янгиликлари.
22.35 «Бу ажиб дунё».
22.55 — 23.35 «Чинсэн».

ХАЛҚАРО ШАРОФ РАШИДОВ ФОНДИ аҳли МАФТУНКОР НАВРЎЗ БАЙРАМИ БИЛАН

Мустақил Ўзбекистонимиз халқини ва унинг барча меҳмонларини муборакбод этади. Уларга жамиятимиз ривожида юксак камолот, тинчлик, барқарорлик тилайди.

Спорт

БИЛЛУР СОВРИН УЧУН БАҲС

Футбол мавсумининг бошланиши муддатининг апрель ойига кўчирилгани муносабати билан кубок учун кураш баҳслари тартиби ҳам ўзгартирилди. Жумладан, дастлабки учрашувлар 27 мартда эмас, 6 апрелда ўтказилади. Гуруҳлардаги ўйинлар Фарғона, Тошкент, Наманган, Навоий, Янгибозор, Қарши ва Андижон шаҳарларида бўлади. 1-, 2- ўринларни олган жамоалар чорак финалга чиқишади. Чорак финал учрашувлари эса 4 гуруҳда ўтади. Ғолиблар ярим финалга йўлланма олади. Чорак финал баҳсларини август ойида ўтказиш мўлжалланмоқда.

(Газетанинг навбатдаги сони 26 март, сешанба куни чиқади).

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши Котибияти Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди раиси Б. О. Эшоновга акаси **Анвар ЭШОНОВ**нинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

«Ўзбекистон овози» газетаси жамоаси таҳририятнинг собиқ ходими, ёзувчи **Анвар ЭШОНОВ**нинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва қавму қариндошларига ҳамдардлик билдириб, чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Асосий кутубхонаси жамоаси етакчи кутубхоначи **Гулчехра МИРҲОЛИҚОВА**нинг бевақт вафот этганлиги муносабати билан марҳуманинг оиласига чуқур таъзия изҳор этади.

"САФИ — АРГО ИНТЕРНЭЙШНЛ"
Ўзбек-Афғон қўшма корхонаси

"МУЖДА" дўкони Эронда ишлаб чиқарилган қуйидаги маҳсулотларни;

- *печенье, вафли, макарон* маҳсулотлари, турли хил *конфет ва ширинликларни;*
- *шампунлар, кир ювиш воситалари, кафель* ва бошқа юқори сифатли маҳсулот ва халқ истеъмоли моллари

ТАКЛИФ ЭТАДИ

Манзил: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, Бош универсал дўконининг савдо расталари 1/2 "МУЖДА" дўкони.
Телефон: 42-36-36
Мўлжал: Бош универсал дўкони (ГУМ) яқинидаги 150-сон дорихона рўпарасида

Дўконимизга марҳамат! Азизлар, бизнинг доимий мижозимиз бўлиб қоласиз, деган умиддамиз!

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

Бош муҳаррир Азим СУЮН

БЎЛИМЛАР:
Мафкура ишлари ва партия ҳаёти — 33-20-36, 36-54-35.
Парламент фаолияти ва ҳуқуқ — 36-26-70, 36-57-19.
Иқтисодиёт — 33-21-43, 36-57-22.
Фан ва маданият — 33-07-20, 36-33-40.
Хатлар ва оммавий ишлар — 33-76-04, 36-54-06.
Ахборот ва спорт — 33-12-56, 36-55-16.
Халқаро ҳаёт — 33-47-80, 33-12-16.
Реклама ва эълонлар — 33-38-55, факс: 33-79-14.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:
Андижонда -- 5-27-11; Самарқандда -- 35-22-90; Бухорода -- 3-54-87; Тошкентда-- 33-12-56; Гулистонда -- 2-26-22; Урганчда -- 6-51-35; Жиззахда -- 3-31-86; Фарғонада -- 26-37-16; Навоийда -- 3-75-43; Қаршида -- 3-25-79; Наманганда --6-43-43; Қумқўрғонда -- 5-26-24. Пукусда -- 7-58-83;

Сотувда эркин нархда.

- *Рўйхатдан ўтиш тартиби №00 120*
- *Газета офсет усулида А—2 форматида 35497 нусхада босилди*
- *Ҳажми 2 босма табоқ*
- *Г — 0122*

МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

Навбатчи муҳаррир Қ. ЭШМАТОВ, навбатчи А. ҲАЙДАРОВ.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй. *Босишга топшириш вақти -- 21.00. Топширилди -- 21.00.* 1 2 3 4 5 6.